

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ: ГЛОБАЛ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Тешабаева Одина Насридиновна

иқтисодиёт ва сервис кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

Аннотация: Мазкур мақолада жаҳонда глобаллашув ва иқтисодий интеграция жараёнлари шароитида туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти таҳлил қилинган. Туризм соҳасининг ўсиш динамикаси, пандемиядан кейинги тикланиш жараёнлари ҳамда соҳага йўналтирилган инвестицияларнинг аҳамияти кўриб чиқилган. Шунингдек, туризм тадбиркорлигини ривожлантиришда ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари, туристик ресурслардан самарали фойдаланиш, инфратузилмани яхшилаш ва рақобатбардошликни оширишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинган. Ўзбекистонда туризм соҳасини кенг қамровли ривожлантириш ва тадбиркорлик муҳитини яхшилашга қаратилган давлат сиёсати ҳам таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқот натижалари соҳа корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, инвестиция жалб қилиш ва ҳудудий иқтисодий ривожланишга таъсирчан ёндашувларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Калим сўзлар: Туризм, тадбиркорлик, туристик ресурслар, интеграция, туристик корхоналар, самарадорлик, иқтисодий механизм.

Жаҳонда глобаллашув ва иқтисодий интеграциялашув шароитида туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асосида иқтисодий тараққиётни таъминлашга, аҳоли турмуш даражасини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. “2019-йилда туризм соҳасининг ривожланиши Яқин Шарқда 8 фоиз, Осиё ва Тинч океани минтақасида 5 фоиз, Европа ва Африка қитъасида 4 фоиз ҳамда Америка минтақасида 2 фоиз ўсишга эришган. Туристик фаолиятдан олинаётган даромадлар ҳажми 2020-йилда пандемиядан олдинги кўрсаткичга нисбатан 72 фоизга камайган. Бироқ 2021-йил якуни бўйича туризм соҳаси ялпи хизматларининг ҳажми ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 4 фоизга ортган” [1]. Туризм соҳасини ривожлантиришда мавжуд ва истиқболдаги имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистонда туризм фаолияти кенг қамровли ривожлантириш борасида таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётган шароитда туризм тадбиркорлигини кенгайтириш, ушбу йўналишдаги имкониятлардан самарали фойдаланиш, туризм тадбиркорлигини ривожлантиришнинг иқтисодий, ташкилий механизмларини такомиллаштириш орқали ички ва ташқи туристлар сонини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда туризм соҳасидаги тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида “...тўсиқсиз туризм

инфратузилмасини мамлакатнинг асосий туризм шаҳарларида кенг жорий қилиш. 2026-йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 2 барабар ошириб, 520 минг нафарга етказиш, туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурини қабул қилиш” [2] вазифалари белгилаб берилди. Мазкур вазифаларни амалга оширишда туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожланишида мавжуд туристик ресурс компонентларидан мақсадли фойдаланиш, ҳудудий иқтисодиёт ривожланишига таъсир этувчи тадбиркорлик фаолияти самарасини одилона баҳолаш, соҳа корхоналари фаолиятида рақобатбардошликни ошириш усуллари қўллаш, юзага келиши мумкин бўлган рискларни баҳолаш ва уларга йўл қўймаслик чораларини кўриш билан боғлиқ механизмларни такомиллаштиришни талаб этади.

Туризм соҳаси миллий иқтисодиёт ривожланишида тутган ўрни нафақат унинг юқори даромад келтириши, балки меҳнатталаб саноат иш ўринларини яратиш орқали бандлик муаммосини ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатиши, табиий ва маданий муҳитни асраши орқали барқарор ривожланишни таъминлашда ҳал этувчи рол ўйнаши, халқлар ва миллатлараро тотувликни таъминлашга сезиларли ҳисса қўшиши, маданиятлар интеграциялашувида ижобий таъсири ҳамда мамлакат ва ҳудудлар даражасида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириши билан белгиланади.

1.1-жадвал. Туристтик хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг мазмуни

Т/р	Хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари	Шу хусусиятларнинг мазмун-моҳияти
1.	Туристтик хизматлар муҳим бир вақтнинг ўзида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги	Туристтик хизматларнинг ижтимоий аҳамияти бевосита аҳолининг иш билан таъминланиши, даромадлар миқдорининг ошириши, ҳаёт сифати ва даражасининг яхшиланиши билан белгиланади. Иқтисодий аҳамияти бевосита унинг ҳудуд ва мамлакат иқтисодиётига (ЯҲМ ва ЯИМ) қўшаётган ҳиссаси, хизматлар соҳасидаги ўрни (ЯҚҚдаги улуши), туристик маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва бошқалар билан белгиланади.
2.	Туристтик хизматларнинг олди-сотди жараёнида моддий шаклда намоён бўлмаслиги	Туристтик хизматлар ҳам бошқа хизматлар сингари олди-сотди жараёнида моддий шаклда намоён бўлмайди, балки бир вақтнинг ўзида истеъмол қилинади. Бу жиҳат хизмат кўрсатувчининг профессионаллигига мос равишда истеъмолчининг ҳам мазкур хизматдан қанчалик манфаатдор бўлишлигини назарда тутди ва натижадорлик уларнинг умумий савиясига боғлиқ

		бўлади.
3.	Туристтик хизматларни сақлаш имкониятининг йўқлиги	Туристтик хизматларни ҳам бошқа хизматлар сингари сақлаш имконияти йўқ, чунки у бевосита кўрсатилаётган жараёнда истеъмол қилинади, унинг сифати ҳам шу жараённинг ўзида истеъмолчи томонидан баҳоланади.
4.	Туризм хизматларининг хизмат жойида кўрсатилиши ва бошқа жойга олиб кетилиш имкони йўқлиги	Туризм хизматлари номоддий бўлиши, уни сақлаш ва ташиш имкониятининг йўқлиги ҳамда мазкур хизмат истеъмол қилинадиган пайт ва жойида кўрсатилиши уни бошқа жойга олиб кетилиш имконининг йўқлиги билан характерланади.
5.	Туристтик хизматларни кўрсатишда истеъмолчи, хизмат кўрсатувчи ва туристик маҳсулот бир вақтнинг ўзида ҳозир бўлиши	Туристтик хизматларнинг яна бир муҳим хусусияти уни кўрсатиш жараёнида истеъмолчи, хизмат кўрсатувчи ва туристик маҳсулот (хизмат) бир вақтнинг ўзида ҳозир бўлиши зарурлиги билан характерланади.
6.	Туризм хизматлар сифати ва рақобатбардошлиги	Туристтик хизматларни кўрсатувчи корхона ва фирмалар жуда юқори таваккалчилик (риск) шароитида ишлайди. Агар сифатли хизматни таъминлай олмаса, рақобатда имкониятни бой бериб қўйиш эҳтимоли баланд бўлади.

Соҳа фаолиятининг ривожланиши бўйича тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, туризм соҳаси пандемиядан кейин яна қайта иқтисодиётнинг динамик йўналишига айланиши башорат қилинмоқда, шу нуқтаи назардан турдош соҳалар, яъни транспорт (авиакатновлар, темир йўл, ерусти транспорти, сув транспорти, транспорт воситаларини ишлаб чиқиш), алоқалар ва логистика (алоқа воситалари, АКТ, халқаро муносабатлар, иқтисодиёт ривожини ҳуқуқий таъминлаш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ташкил қилиш), инфратузилма (меҳмонхоналар қуриш, миллий овқатланиш масканлари ва релаксацион дастурларнинг амалга оширилиши), хизмат кўрсатиш соҳалари (театр, мусиқа, тарихий ва маданий обидалар, овқатланиш масканлари ва меҳмонхона бизнеси), янги меҳнат бозори, иш ўринларининг яратилиши туризм ва гид мутахассислиги таълимини йўлга қўйилиши каби тармоқларнинг юксак даражадаги ривож учун тўртки бўлиб хизмат қилиши натижада эса аҳоли бандлиги ва даромад олишига олиб келиши мумкин.


Туризм французча *тоур* сўзидан олинган бўлиб, сайр-саёҳат маъносини англатади. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонунида туризм тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Туризм – жисмоний шахснинг доимий

истикомат қиладиган жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)” [3].

Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва интеграциялашуви кучайиб бораётган бир даврда туризм тушунчасининг моҳиятини тўғри талқин этиш ва унинг моҳиятини тўғри англаб етиш назарий ҳамда амалий аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикри турлича бўлиб, бир неча қараш ва концепциялар мавжуд. Жумладан, А.Ю.Александрова “Кишиларнинг доимий турар жойлари ва ишларидан фарқланувчи жойларга етиб келиши ва жойлашиши вақтида юзага келадиган муносабатлар ва ҳодисалар йиғиндиси туризмдир” [4]-деб таъкидлаб ўтган.

Туристтик корхоналарда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг асосий ва кейинги даражали мақсадлари аниқлаб олингандан сўнг мақсаддан келиб чиқиб функцияларни шакллантириш ва фаолиятни ушбу функциялар асосида ташкил этиш имкони туғилади. “Функция” тушунчаси “вазифа” тушунчасига нисбатан торроқ бўлиб, кимса ёки нарсанинг иш, фаолият доираси маъносини англатади.

Ривожланиш функцияси деганда, у ёки бу объектнинг ривожланишига оид аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган бир турдаги ишлар йиғиндиси назарда тутилади ва у фаолият турини, субъектнинг бошқариш объектига аниқ таъсир кўрсатиш йўналишларини акс эттиради [6].



1.1-расм. Туризм соҳасида тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг асосий вазифалари

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш усул ва тамойилларига илмий асосланган жараён сифатида ёндашилиши бозор иқтисодиётига ўтиш даврида

доимий ўзгарувчан характерга эга. Бундай ўзгаришлар туризм хизматлари бозорининг ўзгариш динамикаси, мижозлар (аҳоли) даромадлари табақаланиши, ташкилий-иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда корхоналар интеграцияси натижасида фаолиятнинг такомиллашиши ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини амалда қўллаш имкониятларининг кенгайишига кўра бошқарувнинг иқтисодий негизини ташкил қилувчи қатор омиллар билан боғланади (1.1-расм).

Юқорида келтирилган туризм соҳасида тадбиркорлик фаолияти ва унинг таркибида фаолият кўрсатувчи корхоналар моҳияти, ташкилий тузилиши, хизматлар турлари ҳамда улардаги ташкил этиш ва ривожланиш жараёнлари соҳа фаолиятини умумий ривожланиш қонуниятлари доирасида амал қилса-да, яратилаётган хизматларнинг моддий товарлардан фарқланиши билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлари билан иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳалари корхоналари фаолиятдан фарқланади. Айнан шу фарқлар асосида туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини айнан ташкил этиш ва ривожлантириш жараёнларини фақат соҳа кесимида ўрганиш ва тадқиқотлар олиб боришни заруриятини юзага чиқаради.

Хулоса. Туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Глобаллашув ва иқтисодий интеграция жараёнлари шароитида туризм тадбиркорлигини ривожлантириш, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмларни мукаммаллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, пандемиядан сўнг туризм соҳаси тикланиш жараёнини бошдан кечирмоқда ва унга инвестиция жалб қилиш, рақобатбардошликни ошириш, туристик ресурслардан самарали фойдаланиш каби йўналишларда мақсадли сиёсат олиб бориш талаб этилмоқда.

Ўзбекистонда туризм тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида қабул қилинган давлат дастурлари ва ислохотлар соҳадаги имкониятлардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Хусусан, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва туризм тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш соҳанинг барқарор ўсишига замин яратади.

Шунингдек, туризм тадбиркорлиги фаолиятини баҳолаш, соҳага оид таваккалчиликларни камайтириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича мақбул механизмларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича комплекс ёндашувни жорий этиш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини кучайтириш, инновацион технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш зарур.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, самарали ташкилий-иқтисодий механизмларни жорий этиш туризм тадбиркорлигининг рақобатбардошлигини ошириш, ҳудудий иқтисодиётни ривожлантириш ва умумий иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. World tourism barometer. Tourlib.ne. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.unwto.org/news/tourism-grows-4-in-2021-but-remains-far-below-pre-pandemic-levels>.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-sonli “2022-2026 yilarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni.
3. O‘zbekiston Respublikasining “Turizm to‘g‘risida”gi Qonuni”. Toshkent sh., 2019 yil 18 iyul, O‘RQ-549-son. (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 19.07.2019 y., 03/19/549/3446-son; Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021 y., 03/21/683/0375-son, 12.10.2021 y., 03/21/721/0952-son; 07.06.2022 y., 03/22/775/0477-son).
4. Александрова А.Ю. Международный туризм. –Москва: Аспект Пресс, 2001. 12-бет.
5. Yo‘ldoshev N.K., Zaxidov G.E. Menejment: darslik. – T.: “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2018. – 67-b.
6. Nasridinovna, T. O. (2025). Global impact and recovery of the tourism business and increasing the competitiveness of the tourism industry in Uzbekistan. Modern problems in education and their scientific solutions, 1(6), 125-131.
7. Nasridinovna, T. O. (2023). Methodological Foundations for Assessing Competitiveness. Miasto Przyszłości, 36, 437-440.
8. Nasridinovna, T. O. (2023). Factors affecting the management of competitiveness in tourism enterprises. Ethiopian International Journal of Multidisciplinary Research, 10(10), 159-163.
9. Teshabayeva, O. (2023). Theoretical and methodological foundations for enhancing the competitiveness of entrepreneurial enterprises in the tourism sector. Economics and Innovative Technologies, 11(3), 207-214.